



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 14 февраль, № 31 (4441)

Пайшанба

САРМОЯ КЕЛТИРГАН САМАРА

Иқтисодийни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилишда хориж сармоясини кенг жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.
Бу давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланди.


Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Дарҳақиқат, 2007 йилда мамлакатимизда ўзлаштирилган хорижий сармоя ҳажми 58 фоизга ортиб, 1 миллиард АҚШ доллари ташкил этди. Унинг 76 фоизи тўғридан-тўғри киритилган хорижий сармоядир.

Хозирги кунда юртимизда хорижлик шериклар билан ҳамкорликда барпо этилган кўплаб кўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Чет эллик ишбилармонлар билан биргаликда амалга оширилган лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса бўлиб кўрилмоқда. "Orient mebel" — улардан бири. У Ўзбекистон ва Кипр ишбилармонлари ҳамкорлигининг амалдаги намунасидир.


Ўз фаолиятини 2002 йилда бошлаган "Orient mebel" илгор технологиялар асосида турли ўлчам ва дизайндаги ошхона мебеллари ва эшиклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона сармоясининг 11 фоизи Ўзбекистон, 89 фоизи Кипр томонига тегишли. Корхонада ишлаб чиқарилаётган турли дизайн ва ҳажмдаги мебел жиҳозлари юқори сифати, чидамлилиги ва рақобатбардорлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Маҳсулот буюртма асосида харидор талабига ва хоҳишига кўра исталган ранг, ҳажм ва дизайнда тайёрланади. Корхонада юзга яқин киши иш билан банд. Ишчилар учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

13 февраль кuni
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
навбатдаги мажлиси
бўлиб ўтди.



Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши тақдим этган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2007 йилдаги фаолиятига доир ҳисобот билан С. Рашидова сўзга чиқди. Ушбу масала муҳокама қилиниши вақтида сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари қатнашдилар. Омбудсман ўтган йили Ўз фаолиятини мамлакат фуқароларининг конституцийвий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида тўплаган тажрибадан, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишнинг шакллари ҳамда механизмларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилганлиги таъкидланди. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш жараёнида Олий Мажлисининг Инсон

(Давоми 2-бетда).

ТОҒДАЙ ТАЯНЧИМИЗ БОР

Мутахассислигим — халқаро иқтисодчи.
Шунинг учун жаҳон мамлакатларининг иқтисодий-деги ўзгаришларни кузатиб бораман. Агар ривожланган, ривожланаётган давлатлар иқтисодий-деги назар ташласак, бу борадаги ўсишга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни алоҳида эканлигига амин бўласиз.

Қувонарликки, бугун бизда ҳам мазкур тармоқ тобора ривожланиб борапти. Буни ялғи ички маҳсулотда унинг улуши йил сайин ошиб бораётганидан ҳам билиш мумкин.

Яқинда Президентимизнинг чиқишини телевизор орқали кўриб, гайратимга-гайрат кўшилди. Юртбошимиз жорий йил устувор вазифалари ҳақида тўхталиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлашди. "Тадбиркорларнинг ортда мен турибман, Президент турибди", дедилар. Дарҳақиқат, фермерлик ҳаракати бошланган йилларда Юртбошимизнинг шундай мадд бўлганлари туб ўзгаришларга олиб келганди. Демак, бизнинг ишончли қалқонимиз, тоғдай таянчимиз бор. Бунга барча тадбиркорлар ўз меҳнати билан жавоб қайтарилди, билдирилган ишончни оқлаши керак. Мен ҳам тадбиркорман. Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ўтган йили "Dentafill

plius" хусусий корхонасини ташкил этганман. Банкдан олган 182 минг АҚШ доллари миқдоридagi кредит ҳисобига хорижда замонавий технологиялар келтириб ўрнатдик. Шу тариқа маҳалламиздаги 45 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Хозир импорт ўрнини босқинчи ташкилотлар, катталар ва болалар учун ҳар хил крем, жами 35 хил маҳсулотни ишлаб чиқараямиз. Уларнинг сифати юқори, нархи арзон бўлгани учун ўтган қисқа вақт давомида ички бозорда ўз харидорини тоғди. Айни пайтда қўшни давлатлардан кўплаб буюртмалар оляяпти. Ички ва ташқи бозордаги талаблар ўрганилиб, жорий йилда 1,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқчимиз. Шундан 110 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинади.

Камил ҚОСИМОВ,
Зангиота туманидаги
"Dentafill plus" хусусий
корхонаси раҳбари.

ДИНЛАРАРО ТУТУВЛИК ЎЗБЕКISTON ЖАМИЯТИ РАВНАҚИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИДАН БИРИДИР

Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонасида «Динлараро уйғунлиқни таъминлашда Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида ўтказилган брифинг мамлакатимизда динга муносабат ва республика ҳукуматининг бу борада олиб бораётган сиёсатига бағишланди.

Унда Бельгия ва Европа Иттифоқининг сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари, Европарламент аъзолари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Брифинг иштирокчиларига Ўзбекистондаги мавжуд динлар, диний ташкилотлар фаолияти, шунингдек, ҳукуматнинг динлараро тутувлиқни мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган чора-тадбирлари хусусида батафсил ахборот берилди.

Тадбир қатнашчилари эътибори Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига туган ўрни, жумладан, ўзбек уламолари ва фикшуносларининг ис-

лом ҳуқуқи ва маданиятини шакллантириш ҳамда уни такомиллаштиришга қўшган улкан ҳиссасига қаратилди.

Брифинг чоғида иштирокчиларга тақдим этилган маълумотлар катта қизиқиш уйғотди.

Хусусан, Левен Катolik университети профессори Ю. Янсенс «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида Ўзбекистонда узқ асрлардан буён турли динлар ўзаро тутув ва тўла уйғунликда фаолият кўрсатиб келаётганига алоҳида эътибор қаратди.

«Мамлакатнинг янги тарихида ушбу ҳамжихатликнинг асоси конституциясида ўз ифодасини топган ва Ўзбеки-

тоннинг барча фуқаролари миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эгадир, қонун олдида тенг эканлиги белгиланган» — дейди Ю. Янсенс.

Ю. Янсенс ўзининг Ўзбекистонга сафарини ёдга олган экан, христиан ва католик черковлари ҳамда синagogалар, масжидлар билан бир қаторда ўз фаолиятини эркин амалга ошираётганига гувоҳ бўлганини таъкидлади. У, шунингдек, Ўзбекистонда динлараро тутувлиқни сақлашга катта эътибор қаратилгани, давлат эса янги масжид, черков ва синagogаларнинг қайта таямириш ва қуриш ишига кўмак кўрсатаётганини қайд этди.

Шу муносабат билан Ю. Янсенс бағрикенглик ва диний сабр-тоқат руҳини сақлаш ва уни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси бошқа кўплаб мамлакатларга намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини кўчур ишонч билан эътироф этди.

Ўз навбатида, Европарламент собиқ депутати, «Equire Europe» мустақил уюшмаси аъзоси Александр фон Линген ўз интервьюсида Ўзбекистонда мамлакат аҳолиси қайси динга эътиқод қилишини ўзи эркин танлашини таъкидлади.

«Турли маданиятлар ва динлар чорраҳасида жойлашган Ўзбекистонда турли миллат ва дин вакиллари тинч ва тутув ҳаёт кечирмоқда. Менинг фикримча, динлараро тутувлиқ қўшни мамлакатлар билан аҳил ва ҳамжихатликда яшаш ҳамда давлат раванқининг асосий омилларидан бири ҳисобланади», — дея қайд этди Александр фон Линген.

«Жаҳон» АА.
Брюссель.

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2008 йил 13 февраль кuni «ОПЕКнинг Халқаро ривожланиш жамғармаси ва Саудия ривожланиш жамғармаси иштирокида «Ўзбекистон Республикасида умумтаълим мактаблари қуриш ва уларни жиҳозлаш» лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорни имзолади.

МОЛИАВИЙ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАШМОҚДА

Маъзур лойиҳада мамлакатимизда 7900 ўқувчига мўлжалланган 25 дан зиёд умумтаълим мактаблари қуриш ва уларни жиҳозлашнинг молиявий қўллаш тўғрисида тўғри қарорни имзолади.

ОПЕК жамғармасининг 5 миллион АҚШ доллари ва Саудия ривожланиш жамғармасининг 16 миллион АҚШ доллари миқдоридagi имплементация фойз ставкаси билан 25 йил муддатта бериладиган имплементация кредитлари Араб мўллиявий ва мўллиявий ривожланиш институтлари мувофиқлаштириш гуруҳи (Араб мувофиқлаштириш гуруҳи) билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон Республикаси ва ислом донор-мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий ҳамкорлик мустаҳкамлаш борасидаги келишилган шартнома имзоланди.

Ислам ривожланиш банки, ОПЕК жамғармаси, Саудия ривожланиш жамғармаси, Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси, Абу-Даби жамғармаси ва бошқа қатор молия институтлари ушбу Араб мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари ҳисобланади.

2007 йилнинг июль ойида Тошкент шаҳрида ўтган кўшма мажлисда келишилган Араб мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари билан ҳамкорлик дастурида соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт тизимларини ва коммунал соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилаш ва бошқа устувор соҳаларда умумий қиймати қарийб 800 миллион АҚШ доллари миқдоридa сармоя жалб қилинадиган 17 устувор инвестиция лойиҳасини амалга ошириш қўллаш тўғрисида тўғри қарорни имзолади.

(ЎЗА).

Самарқанддаги «Бо-фанда» акционерлик жамияти билан россиялик ҳамкорлар ўртасида бир миллион АҚШ доллари миқдоридa маҳсулот етказиб бериш бўйича икки томонлама шартнома имзоланди.

«БО-ФАНДА» ДАН ХОРИЖГА

Корхонада кейинги йилларда ишлаб чиқариш қуввати сезиларли даражада пасайиб кетганди. Модернизацияга киритилган, замонавий асбоб-ускуналарнинг ўрнатилиши аҳолини ўнлашга хизмат қилди.

Айни пайтда «Бо-фанда» да ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидорлигини, сифатлигини билан кўпчилик эътиборини тортаяпти.

Абдурауф САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2007 йилда мамлакатимизда ялғи ички маҳсулот таркибида хизматлар соҳасининг ҳиссаси

43 фоизни ташкил этди.

Жойларда аҳоли ва ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилмаси субъектларининг кенг тармоғи яратилгани, айниқса, транспорт ва телекоммуникация хизматлари экспорти юксак суръатлар билан ўсиши тўғрисида шундай ижобий натижа қўлга киритилди.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА МУЛОҚОТ

Аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган тадбирларнинг тез самара бериши учун нималар қилиш керак? Фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида қандай қўшимча имкониятлар бор?

Қашқадарё вилояти ҳокимлигида ўтказилган давра суҳбатда бу саволларга атрафли жавоб изланди. Унинг иштирокчилари — вилоят ташкилотларининг раҳбарлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, иқтисодчи мутахассислар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг

халқаро маслаҳатчилари «Истиқбол» тадқиқот маркази, Ишон ва Китоб туманларида ташкил этилган ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурини амалга оширишга кўмаклашувчи марказлар фаолиятини кучайтириш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Бунда аҳолини табиий газ, ичимлик суви билан

таъминлаш, янги иш ўринлари яратишда Тараққиёт дастури маблағлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташаббускорлигини уйғунлаштириш лозимлиги таъкидланди.

Бўри НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Оҳангароннинг

харидорнинг томёпкичлари

Республикаимизда бунёдкорлик ишлари ривожлангани сайин турли-туман бинокорлик ашёларига эҳтиёж тобора ўсиб бормоқда. Масалага шу жиҳатдан қараганда, «Оҳангароншифер» очик акциядорлик жамиятида амалга оширилган ишлар диққатга сазовордир.

Ушбу корхонада анча йиллар муқаддам оддий шифердан ташқари, том ёпишда ниҳоятда асқотадиган рангли черепицалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганди. Ўтган даврда шу мақсадда қурилган цех кенгайиб, ойига 30 минг дона черепица-сопол томёпкич ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Улар ўзининг бежиримлиги, экологик жihatдан тозаллиги, иссиқ-совуққа ва қор-ёмғирга чидамлилиги, ярқироқ жилосини йўқотмаслиги ҳамда юз йиллаб турар жойлар

кўрқига-кўрк қўшиб туриши билан тилга тушди, хатто республикаимиздан ташқарида ҳам ўз харидорларини тоғди. Яқинда Қозғонстандаги бир қатор қурилиш фирмалари уни сотиб олиш истагида эканликларини билдирдилар. Демак, «Оҳангароншифер» черепицалари ҳадемай четга экспорт қилина бошлабди.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўтган йилнинг декабрида «А. Акбарали» хусусий корхонасининг Куvasoyдаги Валик қишлоғи филиалига Германия, Чехия, Ҳиндистон давлатларидан келтирилган энг замонавий тўқимачилик, тикувчилик дастгоҳлари ўрнатилган эди.

Хом ашёдан — тайёр маҳсулотга

Бу эса корхонада пишиқ илдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди.

Замонавий ускуналарда ишлаб чиқарилаётган «Ойдин», «Егорьевск» матолари, иччам, бежирим ишни коржомларига Россиянинг қатор шаҳарлари, Польша, Украина мамлакатларидан буюртмалар келиб тушаяпти.

Корхонада бўёк, пардозлаш цехини ишга тушириш ниҳоянани қолди. Бу цехнинг ишга туширилиши хом ашё қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолида истеъмолчига етказиб берилишини таъминлайди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Даромадга яраша буромад

«Рабатак» Сурхондарёда энг илғор фермер хўжалиқларидан ҳисобланади. Хўжалиқнинг ўтган йилги даромади 350 миллион сўмдан ошди. Самардорлик — 18 фоиз!

Бироқ, хўжалиқ бошлиғи Арабали Дўстмуродовнинг бу натижадан кўнгли тўлаётгани йўқ. Хўжалиқнинг уч юзтага яқин доимий ишчиси бор. Уларнинг ҳар қайси аъзоси бултур ўртача 650-700 минг сўмдан иш ҳақи олишди. Фермер жорий йилда бу миқдорни бир ярим бараварга оширишни, ишлаб чиқариш тармоқларини кўпайтириб, 20 та иш ўрни яратишни режалаштирмоқда.


Хўжалиқда хозирда гагладан, пахта ва боғдан мўл ҳосил олишга замин яратиш ишлари олиб боришмоқда.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН

24 соат
ичида

Қуёшдан юз карра ёруғ



Канадалик астрономлар қуёшдан юз карра ёркинроқ юлдузни топиди.

Олимларнинг фикрича, юлдузнинг ёши бир неча миллион йилга тенг бўлиши мумкин. Унинг иссиқлик даражаси эса 45 минг даражани ташкил этади.

— Янги Шотландия музофотидаги Эбби-Риж расадхонасида тадқиқот олиб бордик, — дейди профессор Дэвид Тернер. — Эътиборли жиҳати, галактикада бундай юлдузнинг топилиши камдан-кам учрайдиган ҳолатдир.

Парламент тарқатилди

Малайзия бош вазири Абдулла Аҳмад Бадавий мамлакат парламентини тарқатиб юборди, дейилади "Рейтер" агентлиги хабарида.

Бош вазир парламентни нима сабабдан тарқатиб юборгани ҳақида ҳозирча изоҳ бергани йўқ. Эслатиб ўтамиз, Малайзияда умумхалқ сайлови 2009 йилда бўлиши керак эди. Яқин кунлар ичида мамлакат Марказий сайлов комиссияси парламент сайлови кунини эълон қилади.

Қуюқ тумандаги ҳалокат



АҚШнинг Калифорния штатида қуюқ туман тушиши сабабли йирик йўл ҳаракати ҳадисаси рўй берди.

50 та автомобиль тўқнашиши оқибатида 12 нафар йўловчи турли кўринишдаги тан жароҳатларини олди. Бу ҳақда "Ассошиэтед пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Гувохларнинг айтишича, қуюқ туманда 15 қадам наридаги машинани кўришнинг ҳам иложи бўлмади.

Эслатиб ўтамиз, бу сўнгги уч кун ичида АҚШдаги иккинчи йирик автоҳалокатдир. Бундан бироз аввал Пенсилвания штатида 68 та автоулов тўқнашганди.

Энергетиклар шахарчаси бунёд этилади



ларга тенг улкан "бизнес-боғ" барпо этиш ҳақида шартномани имзолади.

Энергетиклар шахри деб номланувчи бу ҳудуд 214 гектардан иборат бўлиб, у Триполи шаҳридан 70 км. узоқликда бунёд этилади. Шаҳарчада нефть ва газни қайта ишлаш ва етказиб берувчи корхоналар қурилади.

Баҳрайннинг йирик "Gulf Finance House E.C." сармоя банки Ливия ҳукумати билан қиймати 3,8 миллиард дол-

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Юртбошимиз томонидан 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг муҳим белгисидир.

**«Асака» банки:
АСОСИЙ СТРАТЕГИК
ЙЎНАЛИШЛАР**

Шуни ҳисобга олиб, «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки уларни қўллаб-қувватлашни ўз фаолиятининг ус-тувор йўналишидан бири этиб белгиланган. Шу мақсадда банк ёшларга, хусусан, ёш оилаларга билим олишларида, уй-жой, уй жиҳозлари ва бошқа маиший товарларни харид қилишларида, тадбиркорлик фаолиятини юритишларида моддий жиҳатдан кўмак бермоқда, уларга имтиёзли шартларда таълим, истеъмол, ипотека кредитлари ва микрокредитлар ажратмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу банк томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун кредитлар ажратишда бир қатор имтиёзлар берувчи ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Жумладан, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш учун 15 йил муддатга ипотека кредитлари ажратилиб, кредит фоиз ставкаси 10,5% миқдоридан белгиланган. Асосий қарзни қайтаришда эса 3 йил муддатга бўлган давр имтиёзли ҳисобланади.

Табиийки, ёш оила уй-жойни сотиб олгандан кейин ўз-ўзидан уни замонавий жиҳозлар билан жиҳозлаш зарурияти туғилади. Бу борада ҳам ёш оилаларга бир қатор имтиёзлар асосида истеъмол кредитлари ажратиш йўлга қўйилган. Уларга истеъмол кредитларини ажратишда кредит фоиз ставкаси 12% миқдоридан белгиланган. Бунда асосий қарзни қайтаришда 6 ойлик давр имтиёзли саналади.

Бундан ташқари, бугунги кунда банк томонидан ёш оилалар учун Андижон вилоятининг Асака шаҳрида 32 оила ва Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида кўп қаватли турар жой бинолари қурилишига ипотека кредитлари ажратиш лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Ёш оилаларни қўллаб-қув-

ватлаш учун банк нафақат ипотека ва истеъмол кредитлари, балки кредитларнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар яратишда ҳам бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Қолаверса, ўтган даврда банк томонидан 112 та ёш

оилага тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун энг кам иш ҳақининг 1000 баробари миқдоригача бўлган микрокредитлар ҳам 2,5 йил муддатга ажратилди.

Банк фаолиятининг асосий стратегик йўналишларидан бири — республикамиз ёшларини қўллаб-қувватлаш билан бирга корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолига кўрсатилаётган банк хизмат турлари қўлами-

ни кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, уларнинг тезкорлигини таъминлашдан иборат. Банк томонидан бу борада аҳоли гавжум жойларда мини банклар, махсус ва жамгарма кассалари тизимини кўпайтириш бўйича фаол иш олиб бо-

Молия муассасаларида

Республикамизнинг барча вилоятларида фаолият юритаётган банкнинг 27 та филиали орқали ҳозиргача жами 24 млрд. сўм миқдорига ипотека кредитлари йўналтирилди. Шундан 16 млрд. сўми ёш оилаларга уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун берилди. Уларга, шунингдек, республикамизнинг нуфузли олий ўқув юртиларида бакалаврият ва магистратура босқичларида таъ-

ришмоқда. 2008 йил 1 февраль ҳолатига кўра, банкнинг мамлакатимиз ҳудудида жойлашган 27 филиали, 90 минчи банки, 189 та махсус ва жамгарма кассаси орқали корхона ва ташкилотларга, аҳолининг барча табақаларига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига турли банк хизматлари кўрсатишмоқда.

Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки жамоаси 2008 йил — Ёшлар йилида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, аҳолини, шу жумладан, ёшлар ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш йўлида бир қатор ишларни аниқ режа асосида амалга оширмоқда.

«Асака» банкнинг Кредитлаш департаменти.



ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



АТ «ПАХТА-БАНК»

деҳқон хўжалиklarини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзининг янги турдаги молиявий хизматларини таклиф этади.

«Пахта-банк» деҳқон хўжалиklarига ўз шахсий томорқаларида мева-сабзавот ва картошка етиштириш учун сабзавот ва картошка уруғлари, мева ва узум кўчатлари, минерал ўғит ва кимёвий воситалар сотиб олишга микрокредитлар ажратилишини маълум қилади.

Микрокредитлар энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорига минерал ўғит, кимёвий воситалар ва уруғликлар сотиб олиш учун 2 йил муддатга, кўчат сотиб олиш учун 5 йил муддатга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорига берилади.

«Пахта-банк» томонидан микрокредитлар ажратишнинг ички тартиби ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур тартиб билан танишиш ва ундан фойдаланиш учун банкнинг туман филиаллари ва мини банк шохобчаларига мурожаат қилишингиз мумкин.



«Пахта-банк» — сизларнинг молиявий мададкорингиз!
«ПАХТА-БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
МАЛАКА ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлаган дастурлар бўйича куйидаги курсларга таклиф этади:

- АУДИТОРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ — 200 соат.
- АУДИТОРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ — 60 соат.

Ушбу курслар тингловчилар йиғилишига қараб 2008 йил 25 февралдан бошланади.

Дарс вақти тингловчиларнинг талабига мос қўйилади.

Курсни муваффақиятли тугатганларга аудитор малака сертификатини олиш учун имтиҳонда қатнашиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Х. Орипов кўчаси, 16-уй, Банк-молия академияси.
Телефонлар: 237-53-65, 237-54-01.
Мўлжал: метронинг «Ҳамид Олимжон» бекати, Мирзо Улуғбек номи истироҳат боғи.

Ёшлар — келажакимиз чароғбони
2008 йил — Ёшлар йили

**АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ
«МИКРОКРЕДИТБАНК»**

юртимиз тадбиркор ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бошланғич сармоя учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорига, оилавий тадбиркорликни бошлаган ёшларга айланма маблағларини тўлдириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорига, фермер хўжаликлари ва микрофирмалар ташкил этган ёшларга ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараварига қадар имтиёзли микрокредитлар ажратмоқда.

Яна бир янгилик — ёшларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки йиллик 30 фоиз даромад келтирадиган янги, қулай ва жозибали «Ёшлик» номли мuddатли жамгарма омонат турини жорий этди.

Омонат миқдорларнинг истак ва талабларига қараб 1, 3, 6, 9, 12, 15 ой муддатга қабул қилинади.

«Ёшлик» мuddатли омонатининг фоизлари миқдорларнинг хоҳишига кўра ҳар ойда тўлаб борилади.

Бошланғич бадал миқдори — 50 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ
«УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ

2008 йил 29 февраль кўни соат 11:00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига куйидаги мулкни бошланғич баҳоси пасайтирилган ҳолда қайтадан кўймоқда:

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани суд ижрочилири бўлими томонидан 2007 йил 29 июндаги ЖСК 1-361-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Нукус кўчаси, 2-уйда сақланган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган ва давлат рақами 11У5857 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 10 374 880 сўм.

Ушбу мулкни суд ижрочилири иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатига мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорига закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минчи банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, х/р 20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топиришлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А. Қўжаев к., 1-уй.
Тел.: 138-69-94, 138-69-93.
Лицензия DB001-000010.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР**

9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

САНТЕХНИКА
УНИТАЗЫ, УМЫВАЛЬНИКИ В КОМПЛЕКТЕ

ЛИНОЛЕУМ
БОЛЕЕ 10 РАСЦВЕТОВ


ПЛИТКА
ОБЛИЦОВОЧНАЯ
РАЗМЕРЫ: 33x33, 33x15, 33x10см

ВСЯ ПРОДУКЦИЯ ИЗ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТЫХ МАТЕРИАЛОВ

Товар сертифицирован

Тел.: (+99898) 301-90-84 (круглосуточно), 302-16-90, 233-15-77, 233-14-42, 294-51-00, 280-55-40/41/42

Бугун — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун



Хар сафар сўз мумтоз адабиёти- мизнинг даргалари ҳақида борганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сий- моси кўз ўнгимда гавдаланади. Бобур умрининг ўзи Ибрат дарси. Яшашга ҳавас билан қараш, Амир Темур сал- танатини қайта тиклашга интилиш, бу- нинг учун ҳар қандай синов, машақ- қатлари енгилга тайёр туриш, шу ба- робарида ҳаёт лаззатларидан баҳра- манд бўлиш бу улғунининг умр мазмунини ташкил этган.

Заҳириддин Бобур кенчишини ва- рақласак, унда бу дилбар шахснинг аёл зотиға бўлган юксак эҳтиромини, қарин- дошларидан қанчалик ҳиёнат, ноинсоф- лик келмасин, уларни бир ёқадан бош чиқаришга, обрў-этиборларини асраш- га чақирганини, улар нафсониятини тақ- қирлаганларида ҳам кечирганини кўра- миз. Хусусан, темирийода Муҳаммад Хусайн мирзо унга ҳиёнат қилиб Ко- бул тахтини эгаллашга киришди, он- гилиб асир тушди. Бобур «Чунон до- дамнинг волидаси Шохбегим хоҳарзо- даси бўлур эди, буюрдиким, мундоқ беизазтона кездурманг, улум йўқтур», деб унинг гуноҳини кечди.

«Бобурнома»ни мутолаа қилар экан- миз, унинг муаллифи чеккан азоб- укубатлар, сарсон-саргардонликлар, айниқса, атрофдагиларнинг ноқили- гидан кўп муаммоларга дун келганли- гиға амин бўламиз. Шoir Бобур агар- чи машҳур бир ғазалида:

Мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан буюк аждодлари- миз меросини чуқур ўрганиш, уларнинг хоти- расини абадийлаштириш, асарларида илгари сурилган эзгу ғояларни кенг тарғиб этиш бо- расида салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумла- дан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятини мукаммал тадқиқ этиш, асарларини халқимизга асл ҳолича етказиш, меросини тўлалигича тиклаш ва келажак ав- лодларга етишини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун буюк шоирнинг таваллудига 525 йил тўлди. Шу муносабат билан мумтоз ижодкор- нинг қутлуғ санаси унинг киндик қони тўқилган Андижонда, юртимизнинг барча шаҳар ва қиш- лоқларида кенг нишонланади. Бобур қаламига мансуб ғазал ва рубоийлар маърифатли му- лоқотлар мавзусига айланади, қуй ва оҳанг- лар қаноатида дилтортар қўшиқлар янграйди.

АЛЛОМАНИНГ ДИЛ ИЗҲОРЛАРИ

Ким кўрибтур, эй кўнгул, ахли жаҳондин яхшилик, Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилик, — деб ўзига бевафолик қилганлардан рақибган бўлса-да, унинг темирийода ҳақида сифатидаги юксак тарбияси ҳаммаи ёмонлар орасидан ҳам яхши- ларни топиш, яхшилар сабаб, дунё турганини билдиргандек шу ғазали- нинг қуйроқдаги байтида:

Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ, Ким дегайлар даҳро аро қолди фалондин яхшилик — деб инсониятга яхшилик орқали ном қолдириш ва фақат эзгу ниятлар ки- шиға умрбоқийлик ҳаёда этишини таъкидлади.

47 йиллик умрининг аксарият қис- мини таҳлиқлар ҳукм сурган даврда ўтказган шох Бобур ўз номига муво- фиқ тарзда иш кўрган бўлса-да, Со- ҳибқирон бобоси авлодларининг ўзаро келишим-чиликларидан афсуслас ва на- домати руҳиятини шикоятлади, уни «балоий таъна»ларга дучор қилди. Бу турмуш имтиҳони ул зотни, қайси мавқе ва ҳолатда бўлмасин, ҳаётини чиғаллаштирди:

Даврон мени ўтқарди сару сомондин, Ойирди мени бир йўли хонумондин. Гаҳ бошимга тоғ, гаҳ балойи таъна, Неларки бошимга келмади даврондин.

Бирок, Бобурнинг ҳаёти бўлган юк- сак муҳаббати, яхшилик ва гўзаллик- ка андоқ кўнгул билан интилгани унинг нафақат қўли иродасини, шунинг бил- лан бирга ички дунёнинг нафосатини яққол намойён этади. Айнан ана шу гўзалликка маҳлувилик Бобур қалами- дан дилрабо ғазаллар, мумтоз ада- биётимиздаги бошқа шоирлардан мут- шако ўзига, реал ҳаёт, дилбанд маш- ҳуланинг васли ва ширин хижрони тас- вирлари билан йўрилган, сўз санъа- ти билан жиловланган мисрава, байт- лар шодлари яралишига сабаб бўлди.

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг сўхбати, Шейр баҳси, ишқ дарди, Боданинг кайфияти. Дўстларнинг сўхбатида не хуш ўлғай баҳси шейр, То билинғай ҳар кишининг таъби бирла ҳолати.

Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила, Мундин ортик бўлмагай, Бобур жаҳоннинг ишрати.

Бобур нимани кўзлаган бўлса, унга деярли эришди. Энг муҳими, бобоси Амир Темур салтанатини қисман тик- лаб бошқарди. Бинобарин, ўз даври- да ҳам, бугун ҳам тенгсиз «Бобуро- ма», гўзал шеърли девонлар, чуқур ил- мий, диний, ахлоқий асарлар унинг шону шавкати, буюк истеъдоди ис- боти сифатида абадиятга муҳланди.

Айтиш жоизки, у бир умр эзгулик, яратувчанлик даргоҳининг, илоҳий ка- рам меҳмонхонасининг қайвониси бўлди. Албатта, унинг ушаламаган ар- монлари ҳам қолди. Аммо, муродга етиш иштиёқи Бобур учун йўлчи юл- дуз эди. Шунинг учун муродига эри- шиш йўлида қурашдан чекинмади, ўз оромини енгилб шиддат билан олға ташлади:

Кўнгли тилаган муродга етса киши, Ё барча муродларини тарк этса киши. Бу икки иш муссар ўлмас оламда, Бошини олиб бир сориға кетса киши.

Хинд лашкарбосиси Иброҳим Лўдий устидан ғалаба қозongan Бобур тўнғич ўғли Ҳумоюнға ёзган мактуби- да она юрти Мовароуннаҳр, Самар- қанд тахтини соғинишини, қайтish ор- зусини билдириб, «Бизнинг эҳтимо- мимиз ул сарилар бормоққа беҳад ва беғоятдур... Ул вилоятларнинг лато- фатларини киши нечук унутқай. Алал- хусус, мундоқ тойиб ва торик бўлгон- да қовун ва узумдек машруъ ҳазини киши не тавр хотирдин чиқарғай» деганини эсласак, бу шероқ зот- нинг иродаси даражасини англаши- миз мумкин.

Умуман олганда, Бобур ҳаёти Ва- танга, бани башарга меҳр-муҳаббат, гўзалликка шайдоликнинг олий рубҳаси десак, тўғри бўлади. Қолаверса, ин- соннинг юксак зийнати — меҳру-му- ҳаббатдан кечмаслик, ишонч ва со- битлик, доимо ёнган, қазойи қадари- га на ўймаган юрак оловининг қудра- тини баайни яққол кўрсатади.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ, филология фанлари доктори, профессор.

Спорт • Sport • Спорт



Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) президенти Йозеф Блаттер 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида ўтадиган жаҳон чемпио- нати сунъий қопламали майдонларда ўтиши мумкинлигини эълон қилди.

Чемпионат сунъий қопламали майдонларда

ФИФА раҳбари жаҳон чемпиони учрашувлари ўтказилиши режалаштирилган стадионларнинг бугун- ги аҳоли талабга жавоб бермаслигини айтган. Ал- батта, бундан олдин Африка кубоги беллашуварларида сунъий қопламали стадионлар синовдан ўтказилади.

Фирромликнинг умри қисқа

Допинг спордаги энг катта муаммога айланб улгурди. Кунни кеча Халқаро Биатлончилар итти- фоқи (IBU) филандиялик жаҳон чемпиони Кайса Варисни умрбод спорддан четлаштириш ҳақида қарор қабул қилди.

Жорий йилнинг 6 январь кунини Германиянинг Оберхоф шаҳрида ташкиллаштирилган допинг-тест назоратида унинг қонида тақиқланган эритропо- этин моддаси борлиги аниқ- ланди, деб хабар қилади «Associated Press». Кайса 2003 йилда ҳам эритропоэтин моддасини истеъмол қилган- лиги учун икки йил муддатта мусобақаларда қатнашишдан маҳрум қилинганди.



маниянинг Рупольдинг шаҳ- рида ўтказилган жаҳон чемпи- онатидаги олтин медал ҳам. Медал ўз-ўзидан чемпи- онатда иккинчи ўринни қўлга киритган россиялик биатлон- чи Светлана Слепцовага берилди.



Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инилеев Россияда ташкиллаштирилган PRO лицензиясини берувчи ўқишда қатнашиш учун Москвага жўнаб кетди.

Инилеев

маҳоратини оширади

Ўзбекистон Футбол федерацияси матбуот хизмати хабарига айтилишича, PRO лицензиясига эга бўлган мураббийга дунёнинг исталган мамлакати терма жа- моасини бошқариш ҳуқуқи берилади.

З. ЖОНИБЕКОВ.


Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади: вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 2 февралдан 8 февралгача бўлган маълумот

- I. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. «Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирли- нинг 2007 йил 29 декабрдаги 269-сонли буйруғи. 2008 йил 4 февралда 1765-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 февралдан кучга киради). 2. «Божхона қўнунчилигини бузган шахсларни маъмурий уш- лаб туриш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшим- чалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат бож- хона қўмитасининг 2008 йил 17 январдаги 01-02/22-6-сонли қарори. 2008 йил 7 февралда 717-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 17 февралдан кучга киради). 3. «Божхона брокери тўғрисидаги низомга қўшимчалар кири- тиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмита- сининг 2008 йил 17 январдаги 01-02/20-3-сонли қарори. 2008 йил 7 февралда 1271-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 17 февралдан кучга киради).

- II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас: 1. Босим остида ишлайдиган идишларнинг паспортларини (дубликатларини) тузиш тартиби ҳақидаги услубий қўлланмалар. «Сановатхотехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган. Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат тех- ник ҳужжат деб топилди. Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора то- монидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазир- лигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжат- ларда амалдаги қўнун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

- III. Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши белгиланган тартибга зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжат аниқланди: 1. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги- нинг 1995 йил 28 апрелдаги 03-720-сон хати. Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжат- лар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибат- ларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муноса- батларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажа- римланганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсат- тилган хат бўйича Адлия вазирлиги томонидан те- гишли идорага ушбу хатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдирнома киритилди.

БИЗ БИЛАН - ИССИҚ ВА ҚУЛҲАЙ ИСИТГУВЧИ ВА СУВ ИСИТГУВЧИ ҚОЗОНЛАР
максулот сертификатланган ХОРИЖИЙ АВТОМАТИКА БИЛАН САНОАТ, МАИШИЙ, ИССИҚОНАЛАР УЧУН ҲАМДА ЎЗГАРУВЧАН, АВТОНОМ БЛОКЛИ ҚОЗОНЛАР.
15 кВт ДАН 2000 кВт ГАЧА
Ўзбекистон, Чирчиқ ш., «Кангли» кўчаси, 16-«А».
Тел. 8 (370) 715-6173, 715-59-87, 715-40-62
E-mail: harakat_2004@mail.ru www.harakat.uz



Ўзбекистонда 3 000 000 дан зиёд абонентлар танлови!

0890 моб., тел.: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09
www.mts.uz / wap.mts.uz
Хизматлар лицензияланган
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздириш» компанияси томонидан тақдир этилади



Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 43619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўроз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мизмақорал бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.45
Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6 8

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.